

8-модуль. “САЙЛОВ КУНИ”НИ ЎТКАЗИШ

8.1.Илова

Сайлов участкасининг очилишидан олдинги фаолияти

1. Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади.
2. Яширин овоз бериш учун бинони овоз бериш бошлангунига қадар тайёр ҳолатга келтиради.
3. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифаларини тақсимлайди.
4. Комиссиянинг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган сайлов бюллетенларини тайёрлайди.

Гуруҳий муҳокама учун саволлар

1. Сайлов участкасининг очилишига қадар УСК аъзолари қандай вазифаларни бажариши керак?
2. Бюллетень УСК аъзоларига қай тарзда тарқатилади?

8.2.Илова

Овоз бериш жараёнининг бошланиши

1. Овоз бериш куни сайлов участкасида соат 8.00да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўйилади.
 2. УСК раиси томонидан овоз бериш бошланганлиги эълон қилинади.
 3. Сайлов участкасидаги сайловчилар сони, округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенлари сони ва муддатидан олдин овоз берганлар сони эълон қилинади.
 4. Сайлов қутиларининг бўшлиги текширилади ва улар бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбаланиб, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади.
 5. Участка сайлов комиссияси аъзоларига сайлов бюллетенлари далолатнома асосида тақсимлаб берилади.
 6. Овоз бериш бошланганлиги ҳақида округ сайлов комиссиясига хабар берилади.
- Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари сайлов куни сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келганида тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида уларни рўйхатга олади.

Гуруҳий муҳокама учун саволлар

1. Сайловдан бир кун олдин, чет элдан келган Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгами? Ушбу ҳолат қандай кўриб чиқилади?
2. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими жойлашган компьютер ишламаса ва сиз сайловчилар рўйхатининг қоғоз нусхасига киритилмаган бўлсангиз нима қилиш керак?

3. Сайловчини турган жойида соғлиқ билан боғлиқ муаммолар туфайли сайловда қатнаша олмаган фуқаролар қандай аниқланади ва уларнинг ҳақиқатдан ҳам касал эканликлари қандай исботланади?

8.3.Илова

Ролли ўйин № 1

Овоз бериш жараёнининг бошланиши

Участка сайлов комиссиясининг Овоз бериш кундаги сайлов участкасида соат 8.00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграганидан сўнг ҳаракатларини қадамма қадам ёритиб беринг:

1. Овоз бериш бошланганлиги эълон қилинади;
 2. Сайлов участкасидаги сайловчилар сони, округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенлари сони ва муддатидан олдин овоз берганлар сони эълон қилинади;
 3. Сайлов кутилариининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади;
 4. Сайлов бюллетенлари далолатнома асосида ҳар бир участка сайлов комиссияси аъзоларига сайловчилар фамилияси алифбо кетма-кетлигида сайловчилар рўйхати асосида тақсимлаб берилади;
 5. Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби томонидан овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали округ сайлов комиссиясига хабар берилади;
 6. Сайловчиларга тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби ҳар соатда юритиб борилади;
- Сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, ОАВ вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади (УСК раисининг ўринбосари ёки котиби томонидан).

8.4.Илова

Овоз бериш тартиби бўйича саволлар

1. Ушбу жумлаларни тўлдириг:

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг _____ қисми ҳозир бўлганда очилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида _____ олдин хабардор қилади.

Овоз бериш сайлов куни соат _____ дан _____ гача ўтказилади.

2. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи қандай ҳужжатларни тақдим этиши мумкин, керакли кататка ✓ белгисини қўйинг:

паспорт

ҳарбий гувоҳнома

фуқаролик паспортини йўқотган
фуқароларга ички ишлар
органлари томонидан берилган
вақтинчалик маълумотнома

жазони ўтаб бўлганлик
ёки жазодан озод
қилинганлик тўғрисидаги
маълумотнома

3. Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган қандай мурожаатига кўра турган жойда фақат сайлов куни овоз бера олади? _____

4. Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни қаерда тўлдиради?

5. Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга қандай белгиларни қўяди. Жавоб бир неча бўлиши мумкин.

«+»

«-»

« X »

«✓»

«?»

6. Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунда бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эгами? _____

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар:

1-гуруҳ. Овоз бериш тартибини санаб беринг.

2-гуруҳ. Овоз бериш куни УСК раисининг вазифалари

3-гуруҳ. Овоз бериш куни УСК аъзоларининг вазифалари.

4-гуруҳ. Овоз бериш куни бюллетенларнинг тарқатилиши.

8.5.Илова

Ролли ўйин № 2 Овоз бериш тартиби

1-вазият. Сайлов участкасида овоз бериш тартиби.

1. Сайлов куни сайловчи овоз бериш биносига келиб, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин УСК аъзоси томонидан унга сайлов бюллетени берилади.

2. Сайловчи бюллетенни олгач, уни яширин овоз бериш хонасида тўлдиради.

3. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

4. Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки , «✓» ёхуд «х» белгисини қўяди.

5. Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

6. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли. *(Бундан УСК аъзолари, кузатувчи ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно).*

7. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштириб берилади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинмиши, бекор қилиниши лозим ва алоҳида сақланади.

2-вазият. Сайловчининг турган жойида овоз бериш тартиби.

Сайловчи айрим сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда овоз бериш жараёнини ташкил этиш тартибини айтиб беринг.

1. УСК овоз бериш жараёнини сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан улар турган жойида фақат сайлов куни ташкил этади.

2. УСК аъзоси мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзувлар киритади ва УСК аъзоси имзоси билан тасдиқланади.

3. УСК томонидан сайловчи турган жойида овоз беришни ташкил этиш сайлов кунигаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиқиб амалга оширилади.

4. Комиссиянинг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди.

5. Турган жойида овоз берган сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар УСК аъзоси томонидан сайловчилар рўйхатидан кўчирмага тегишли ёзув киритади ва сайловчи сайлов бюллетенини олганлигини тасдиқлаб, ушбу рўйхатдаги фамилияси қаршисига имзо чекади.

6. Сайловчи яширин овоз бериб бўлганидан сўнг сайловчилар рўйхатидagi сайловчининг фамилияси қаршисига “турган жойида овоз берди” ёзуви киритилади ва УСК аъзоси томонидан имзоланади.

7. Ушбу жараёнларда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

8.6.Илова

1-казус

Участка сайлов комиссияси аъзолари сони 7 нафардан иборат таркибда тузилган. Сайлов куни участка сайлов комиссияси раиси соат 07.30да сайлов участкаси биноси олдига келиб комиссия аъзолари билан суҳбат жараёнида комиссия аъзоларидан икки нафари турли сабабларга кўра соат 08:00га қадар сайлов участкасига кела олмаслигини аниқлади. Шундан сўнг УСК раиси қолган аъзолар билан бирга сайлов участкаси биносини очиб сайлов жараёнига киришиб

кетди. УСК раисининг ҳаракатлари қонунийми? Бундай ҳолларда УСК раиси қандай йўл тутиши керак?

2-казус

Сайлов куни фуқаро сайлов участкасига маст ҳолда келиб, УСК аъзоларига овоз бермоқчи эканлигини маълум қилди. УСК аъзоларидан бири фуқарони маст ҳолда эканлигини кўриб, кейинроқ келиши кераклигини айтди. Бундан жаҳли чиққан фуқаро жанжал қилиб сайлов жараёнига халақит бера бошлади. Буни кўрган УСКнинг икки нафар аъзоси фуқарони ушлаб, унга нисбатан куч ишлатиб сайлов участкасидан олиб чиқиб ташлади. УСК аъзоларининг ҳаракатларига баҳо беринг. Бундай ҳолларда УСК аъзоларининг ҳаракатларини тушунтириб беринг.

3-казус

Участка сайлов комиссияси аъзолари сони 7 нафардан иборат таркибда тузилганлиги учун раис ва котиб сайланган. Сайлов куни участка сайлов комиссияси раиси соат 07.30да сайлов участкасига келмади. УСК аъзолари УСК раисини қаердалигини аниқлаш мақсадида телефон қилганида раис сайловга кела олмаслиги маълум бўлди. УСК аъзолари раис келмаса ҳам сайловни тўхтатиб туришнинг имкони йўқ деб қарор қилиб сайлов жараёнини бошлаб юборди. Ушбу ҳолатда УСК аъзоларининг ҳаракатлари тўғрими? Бундай ҳолларда УСК аъзоларининг ҳаракатларини тушунтириб беринг.

4-казус

Сайлов куни сайлов участкасида стационар катта сайлов қутиси пломбаланиб овоз бериш жараёни бошланганидан сўнг фуқаро сайлов қутисига бюллетенни солаётганида билмасдан пломбасини узиб юборди. Буни кўрган УСК аъзоси фуқарога бу ҳолатни ҳеч кимга айтмаслигини тайинлаб, ўзида турган пломба билан сайлов қутисини қайта пломбалаб қўйди. УСК аъзосининг ҳаракатлари тўғрими? Бундай ҳолларда УСК аъзолари қандай ҳаракат қилиши керак?

8.7.Илова

Гуруҳий муҳокама учун саволлар

1. Сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилияларини рўйхатга киритиш тартибини айтиб беринг.
2. Участка сайлов комиссиясининг овоз беришдан олдинги фаолиятини тушунтириб беринг.
3. УСК раисининг овоз бериш кунидаги вазифаларини айтиб беринг.
4. УСК аъзоларининг овоз бериш кунидаги фаолияти ҳақида айтиб беринг.
5. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши мумкинми?
6. Сайловчининг турган жойида овоз бериш тартибини айтиб беринг?
7. Сайловчи сайлов бюллетенини бузиб қўйса бошқа сайлов бюллетенини олиши мумкинми?

8. Сайлов қутисининг пломбаси бузилса УСК аъзолари қандай ҳаракатни амалга оширади.

9. Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойда сайловни ташкил этиш қайси вақтда амалга оширилади?

10. Сайловчи турган жойида овоз берганда сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа шахсларни у ерда бўлишига йўл қўйиладими?

8.8.Илова

Назорат тест саволлари.

1. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида неча кун олдин хабардор қилади?

- A) 10 кун
- B) 11 кун
- C) 15 кун
- D) 3 кун

2. Қерда жойлашган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин?

A) чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналар, шунингдек ташки ишлар Вазирлиги ҳузурида жойлашган сайлов участкаларида

B) касалхоналар, бошқа стационар даволаш муассасаларида ва уларга туташ ҳудудларда жойлашган сайлов участкаларида

C) олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда жойлашган сайлов участкаларида

D) қамокда сақлаш жойларида ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш жойларда тузилган сайлов участкаларида

3. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига кимни таклиф қилишга ҳақли?

- A) овоз бериш учун келган бошқа сайловчини
- B) кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари
- C) сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари
- D) сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахсларни

4. Овоз бериш куни сайлов участкасида соат 08:00да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграганидан сўнг биринчи бўлиб қандай ҳаракат амалга оширилади?

A) Участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қилади

В) сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади

С) участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда муддатидан олдин овоз берганлар ҳақида маълум қилади.

Д) УСК аъзоларига вазифаларини тақсимлайди

5. Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида неча қисми ҳозир бўлганда очилади?

А) ярими

В) иккидан уч қисми

С) учдан бир қисми

Д) учдан икки қисми

6. Овоз бериш биносига кела олмаган сайловчилардан овоз беришни уларнинг турган жойда ташкил этганда комиссиянинг камида неча нафар аъзоси иштирок этиши шарт?

А) камида икки нафар аъзоси

В) камида уч нафар аъзоси ва кузатувчилар

С) камида уч нафар аъзоси

Д) камида тўрт нафар аъзоси

7. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи қандай ҳужжатларни тақдим этиши мумкин?

А) транспорт воситасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни

В) жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома

С) фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома

Д) В ва С жавоблар тўғри

8. Сайлов қутиларининг бўшлиги текширилиб, бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбаланиб, пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда қандай ҳужжат тузилади?

А) баённома

В) маълумотнома

С) далолатнома

Д) қарор

9. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш куни соат 8:00дан олдинги фаолияти тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А) участка сайлов комиссияси аъзолари орасида вазифалар тақсимланади

В) овоз бериш бошланганлигини эълон қилади

С) сайлов қутилари пломбаланади

Д) овоз бериш тугаганлиги эълон қилинади

10. Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситаси орқали қаерга хабар беради?

- A) марказий сайлов комиссиясига
- B) туман сайлов комиссиясига
- C) вилоят сайлов комиссиясига
- D) округ сайлов комиссиясига